Эртага—халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар ҳамда район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьяларини сайлаш куни

ҲАММА-САЙЛОВГА!

Коммунистлар ва партиясизлар бузилмас блоки номзодлари учун якдиллик билан овоз берайлик

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 139 (6. 330) 1987 йил 20 июнь, шанба Баҳоси 3 тийин

Замондошимиз



Эртага—Медицина ходимлари куни

ҚЎШҚУВОНЧ

ЭРТАГА НИШОНЛАНАДИГАН МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ КУНИ ЕЛЕНА НИКОЛАЕВНА КОМАНДРОВСКАЯ УЧУН ЧИН МАЪНОДА ҚЎШ ҚУВОНЧ КЕЛТИРАДИГАН КУНДИР. ЧУНКИ ХАЛҚИМИЗ УНГА ЮКСАК ИШОНЧ БИЛДИРИБ, НОМЗОДИНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА КЎРСАТГАН.

У бугун ҳам одатдагидек уйга жуда шод бўлиб қайтди. Эшик қўнғироғи жиринглашидан ўғли Костя ҳам севиниб кетди:

— Ур-ре, оймлар келдилар! — деди у ўзини онаси бағрига отаркан.

— Сени бугун жуда соғиндим болажонним, боғчага яхши бориб келдингми, хўш, бугун нималарни ўргатишди сенга, — савол назари билан боқди Елена ўғлининг юзидан ўпар экан.

— Бугун, ойижон, янги шеър ўргандим. Мана эшитинг.

Костя бир зум катталардек ўзини сипо тутиб турди-да, тинчлик ҳақида ёдлаган шеърини онажонисига айтиб берди. Онасининг қувончига яна қувонч қўшилди...

Елена Николаевнанинг ҳаётида бундай қувончли дамлар тез-тез бўлиб туради. Нега дейсизми! Инсон саломатлиги посбони сифатида беморлар дардига ўз вақтида малҳам қўйиб уларнинг олқишига сазовор бўлишни у ўз ҳаётининг энг бахтиёр онлари деб ҳисоблайди. Бугунги шодлигининг боиси ҳам ана шунда. Чунки у ўз участкасига қарашли уйларда яшовчи беморлар билан суҳбатлашди, уларга зарур медицина ёрдами кўрсатди. Бу-

нинг эвазига унга самимий миннатдорчилик сўзларини изҳор этишарди...

Дом одамлар хизматида бўлишни у ўзи учун катта бахт деб билади. Мана, 6 йилдирки Чилонзор массивининг 19-кварталида истиқомат қилувчи аҳолига медицина хизмати кўрсатиб келади. Ўзининг меҳрибонлиги, ширинсўзлиги, касбига бўлган ихлос ва муҳаббати билан кўпчилик таҳсинига сазовордир.

Меҳнат қилган — элда азиз, деб бежиз айтишмаган. Унинг эл-юрт ишини бажаришдаги фидойилиги Елена Николаевнага катта ҳурмат келтирди. Чилонзордаги 28-поликлиниканинг медицина ҳамшираси Елена Николаевна Командровскаяга юксак ишонч билдирилди — халқ унинг шаҳар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатди. Эртага эса сайловчилар халқимизнинг асл ўғил-қизлари қаторида Е. Н. Командровская номзодига якдиллик билан овоз бериш учун сайлов қутиларини ёнига келадилар.

СУРАТДА: 28-поликлиникага медицина ҳамшираси, Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзод Е. Н. Командровская.

Т. Каримов фотоси.

Партия сафлари мустаҳкамлиги учун

ТАШАББУСКОР ЁШЛАР ҲИСОБИГА

КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш соҳасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарори партия ташкилотининг иш жараёни бугунги кун талабларига жавоб бера олмаётганлигини яққол кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам қуйи партия ташкилотларида ишлар ўлда-жўлда бўлиб қолаяпти. Коммунистлар ҳали ҳам онгига ўрнашиб қолган хотиржамлик кайфиятини тарк этолмаяптилар.

«Партия аъзолигига кандидатлар билан ишлаш, уларнинг ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтириш системаси йўқ», дейилади қарорда. Тўғри фикр. Чунки касблари бўйича партия аъзолигига чегараланган миқдорда, яъни, оддий ишчидан кўпроқ, зиёлилардан камроқ ўтказиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Бунга яққол мисол тариқасида қурилиш бошқармаларини олиб кўриш мумкин. Бизнинг бошқармамизга ҳам баъзи вақтларда партия аъзолигига кандидатликка бир одамни ишошлинч тайёрлаш ҳақида буйруқ келиб қолади. Унда кўрсатилган хусусиятларига яқинроқ келадиган, бирор бинокор олиниб, йўл-йўлакай билим савияси оширилади. Бошқарма партия ташкилоти йиғилишида муҳокамадан ўтказилади. Ҳамма коммунистлар номзодни бир овоздан маъқуллайдилар. Ҳеч ким шу одам коммунист деган номга лойиқми, йўқми ўйлаб кўрмайди. Партия сафларида туриб ёшлар, ҳамкасбларига авангард бўлоладими, йўқми, ҳеч кимни бу масала қизиқтирмайди.

Яна бошқа томондан коммунистлардаги принципиаллик сезилмаяпти. Йиғилишларда овоз бераётганлар, гўё касбдошига, дўстига ёрдам берадилар, мушкул вазиятда қўллаб-қувватлайдилар. Шу тариқа кандидатликдан партия аъзолигига ўтказилади. Кейинроқ фақатгина планни ошириб бажаргани учун бригадирликка, участка бошлиғи ва бошқа раҳбарлик лавозимларига кўтарилаверади. Уни эса ҳеч қачон коллектив ҳаёти, бажарадиган ишининг натижаси қизиқтирмайди. Бора-бора бир жойда қотиб қолган кишига айланади. Фикрламайдиган коммунист эса расмиятчилик, кўзбўямачилик, ўзи бўларчиликка йўл қўяди.

Қурилиш партия ташкилотларида ҳам ана шундай коммунистларнинг фаолияти қурилиш-монтаж ишларини чўзиб юбориб, сифатсиз иш бажарилишига олиб келмоқда. Партия сафларини фақатгина планларини ошириб бажараётганлар ҳисобига эмас, халқ хўжалигининг турли соҳаларида йиллар давомида синалган, қобилиятли ташаббускор ёшлар ҳисобига мустаҳкамлаш керак деб ҳисоблайман.

У. ЗОКИРОВ,
3-уйсозлик комбинати 2-конвейер қурилиш-монтаж бошқармаси бригадири, КПСС аъзоси.

ТОШКЕНТ: САЙЛОВДАН—САЙЛОВГАЧА

Демократияни ўрганайлик

Октябрь районининг 15-сайлов участкаси «Средазгипроводхлопок» илмий-текшириш институти биносида жойлашган. Бу ерда ҳамма нарса эртага бўладиган сиёсий кампанияга тахт қилиб қўйилди. Участка аҳолиси ўртасида совет сайлов системаси ҳамда унга киритилган ўзгаришлар, бугунги куннинг долзарб масалаларига бағишланган ўнлаб лекция ва суҳбатлар уюшқоқлик билан ўтказилди.

Депутатликка номзодлар билан учрашув эса агитпунктда эмас, балки сайловчиларнинг асосий қисми истиқомат қилаётган «Гулбозор» маҳалласи клубида ўтди.

— Маҳалламизда 170 хонадон бор. Уларнинг деярли барчаси катта оилалардир, — дейди маҳалла комитети раиси Т. Аюпов. — Одатда маҳалла активлари билан тез-тез тўпланишиб, долзарб масалаларни муҳокама этиб турамиз. Эртага бўладиган кампанияни ҳам юқори савияда якунлашнинг аниқ режаларини тузиб қўйганмиз. Номзодларимиз билан бўлган учрашувда 150 нафар киши қатнашди. Бундай таъсирчан ва файзли савол-жавоб кечасини биринчи маротаба ўтказдик.

Ғ. РАЗЗОҚОВ.

Кўтаринки руҳда

Тошкент халқ хўжалик институти биносида жойлашган Чилонзор районига қарашли 1-сайлов участкаси агитаторлари маҳаллий Советларга бўладиган сайловларга ҳар томонлама тайёргарлик кўришди. Олий ўқув юртининг ўқитувчилари совет сайлов системасининг афзалликлари ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб бордилар. КПСС XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари, мамлакатимизда олиб борилаётган қайта қуриш ва жадаллаштириш режалари ҳақида суҳбатлар ўтказилди.

КПСС тарихи кафедрасининг доценти Н. Эргашев бошчилигидаги агитатор-ўқитувчилардан Б. Хукумов, Б. Алиев ва бошқалар сайловчилар билан учрашиб, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини ўргандилар.

Сайлов участкасининг агитпункти бугунги кунда байрамона безатилган. Ўқитувчилар, студентлар ва институт ёнгинасида жойлашган Олмазор массиви аҳолиси якшанба куни бўладиган сайловларни кўтаринки руҳ билан кутиб олмоқда.

И. АШРАПОВА,
Тошкент халқ хўжалик институти ўқитувчиси.

ҲАҚИҚИЙ БАЙРАМ БЎЛАДИ

Барча сайлов участкаларида маҳаллий Советларга сайловларни ўтказишга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилди. Жумладан, Чилонзор районидаги сайлов участкаларида ҳам бу сиёсий кампанияга катта тараддуд кўрилди. Биз яқинда шу районнинг сайлов участкаларидан бирида бўлдик.

Кираверишдаги хона деворига альфавит тартибида сайловчиларнинг рўйхатига олинганлиги ҳақидаги столларда В. И. Ленининг Советлар ҳақидаги асарлари, КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди, КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленуми материаллари, сайловга оид ҳар хил брошюралар, кундалик газета ва журналлар жойлаштирилган. Деворларда шу тадбирга мансуб плакат, чақириқ ва диаграммалар осиғлиқ турибди. Хоналар салқин ва озода.

Агитаторларнинг навбатчилик журнали билан танишиб чиқиб, бу ерда 68 нафар агитатор фаоллик кўрсатаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Улар Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли 1-клиник касалхона, Ўзбекистон комсомолининг 40 йиллиги номли маданият ва истироҳат боғи, Ленин комсомоли номли марказий истироҳат боғи ва Тошкент шаҳар 7-автопаркининг ишчи-хизматчиларидан ташкил топган. Агитпунктда ўтказилаётган ташвиқот ва тарғибот тадбирларини ҳисобга олиш журнали тутилган. Унда ҳозиргача уюштирилган «Социал ва иқтисодий ўсишни ривожлантириш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш масалаларида халқ депутатларининг роли ва масъулияти», «Коммунистлар ва партиясизлар номзодлари учун очиқ овоз бериш — демократлаштириш ва бошқарувга кенг оммани жалб этиш омилидир», «Ёш сайловчилар билан суҳбатлар», «Сайловлар ҳақида қонун», «Савол-жавоб кечаси», «Сайлов системасини такомиллаштириш — жамият ҳаётидаги демократлашувнинг принципиал йўналишидир» каби мавзуларда ўтказилган лекция ва суҳбатлар сайловчилар орасида қизғин иш олиб борилаётганидан далолат беради.

Бундан ташқари агитаторлар ишини ҳисобга олиш учун махсус журнал ташкил этилган. Унда сайловчилар билан участкаларда, уй комитетларида ўтказилган суҳбатлар, тушунтириш ишлари қайд қилиб борилади.

Афсуски, агитпунктга ташриф буюрадиган партия ва совет органлари вакиллари учун очилган дафтарга шу пайтгача бирорта ҳам ёзув тушмабди.

Сайловчилар учун тутилган журналнинг тўлаёзганлиги уларнинг эса наказ ва илтимослари кўплигидан далолат беради.

— Сайлов ўтадиган куни бу ер байрамона тус олади. Китоб билан савдо қилувчи киоск, буфет ишлайди. Маданият уйимизда иш олиб бораётган қўғирчоқ театри студияси ва болалар бадиий ҳаваскорлиги тўгарагининг махсус программаси намойиш этилади. Тадбирни янада уюшқоқлик билан ўтказиш учун 101-ўрта мактаб пионер ёшларни ҳам таклиф этганмиз, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Баҳодир Султонов.

Сайловлар куни мазкур участкада 2700 га яқин сайловчи ўз номзодлари учун овоз беради. Уларнинг 34 нафари комсомол-ёшлар бўлиб, бу йил биринчи маротаба сайловларда қатнашишади.

Ф. САЙДАМЕТОВА,
Ҳ. ЖУМАНАЗАРОВ.

Факт ва рақамлар

⊙ 1985—1986 йилларда ишлаб чиқариш ва социал маданий қурилишга 30 миллион сўмликдан знёд маблағ ажратилди.

⊙ Уй-жой, социал-маданий ва маиший хизмат объектлари қуриляпти бўйича ўнта наказ адо этилди.

⊙ Сайловчиларнинг наказлари бўйича автобус ва бошқа транспорт турларининг маршрутлари ҳам тартибга келтирилди. Масалан 2, 13, 16-маршрутлар бўйлаб қатнайдиган троллейбуслар иши яхшиланди.

⊙ «Бошлиқ», «Ивановолик тўқимачилар» массивлари телефонлаштирилди, 67-АТС ишга туширилиши муносабати билан 5 минг квартирага телефон ўтказилди.

⊙ Кейинги икки йилда саноат маҳсулоти ҳажми 415 миллион сўмликка ортди, шундан ташқари 144 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

⊙ Саноатда меҳнат унумдорлиги 7,8 процент ошди. Халқ истеъмоллари товарлари ишлаб чиқариш 4,3 процент кўпайди ва уларни тайёрлаш умумий миқдори 2,5 миллиард сўмликдан ошиб кетди.

НАКАЗЛАР БЕРИЛДИ

Ленин районидаги «Восток» кинотеатрида депутатликка номзодлар билан учрашув бўлиб ўтди. 26-сайлов участкасининг сайловчилари 194-сайлов округидан шаҳар Совети депутатлигига номзод Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг ботиқ босма цехи мастери ёрдамчиси Мунира Бердиевна Тожиева ва район Совети депутатлигига номзодлар Шуҳрат Мавлонов, Рафаэль Сабирёнчилар билан учрашдилар.

Сўзга чиққан, нотиқлар бўлажак депутатларга Фурқат маданият ва истироҳат боғи атрофини ўраш, ёшлар учун кичик стадион қуриш каби бир қатор наказларни беришди.

Учрашув сўнгида район маданият уйи бадиий ҳаваскорларининг концерти ҳамда «Сенинг ўғлинг» номли бадиий фильм намойиш этилди.

НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

11- сайлов участкаси Киров районидаги Г. Димитров номидаги 9-ўрта мактабда жойлашган. Участка агитпунктини жиҳозлаш ва бошқа ташкилий ишларда Тошкент тамаки фабрикаси коллективи яқиндан ёрдам кўрсатди. Мактаб педагог агитаторлари эса аҳоли ўртасида сайловолди суҳбатларни ва лекциялар ўтказишди.

Яқинда бу ерда шаҳар Совети депутатлигига номзод — 74-ясли-богча тарбиячиси Ольга Тимашева ва район Совети депутатлигига номзодлар 35-ясли-богча тарбиячиси О. Добрая, Киров район партия комитетининг иккинчи секретари А. Сергеев, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси машинисти М. Йўлдошева, Тошкент тамаки фабрикаси цех бошлиғи О. Усмоновлар билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда сўзга чиққан сайловчилар аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида гапиришди.

Йиғилиш район ҳаваскор ансамбларининг концерт программаси билан якунланди.

Ҳ. ИНОҒАМОВ.

Сенга ишонамиз, Дилором

Темир йўл хўжалигида минглаб хотин-қизларимизнинг фаол ишлаётгани ҳаммага маълум. Уларни гавжум вокзалларда-ю юк-товар станцияларида, диспетчерлик пультларида-ю инженер-техник ходимлари орасида учратамиз. Пассажирларни ва халқ хўжалигимизнинг турли юкларини ўз вақтида белгиланган манзилларга етиб бориши кўп жиҳатдан улар меҳнатига боғлиқ.

Дилором ҳам ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида бу соҳага меҳр қўйди. Чунки у туғилиб ўсган Чоржўй шаҳри катта темир йўл халқасининг устида, уларнинг уйи эса вокзалнинг ёнгинасида эди. Шунинг учун ҳам темир йўлнинг қизғин ҳаётини у яхши биларди.

Етуклик аттестатини олиб, темирйўлчилар билим юртига ўқишга кирди. Уни имтиёзли тугатди. 2-Чоржўй станциясида навбатчи бўлиб ишлай бошлади. Назарий билими амалда қўл келди. Коллективда юклатилган вазифани сидқидилдан бажарувчи, ишчан комсомол сифатида танилди. Бироқ, ўзига талабчанлик ва бу соҳада чуқур билимга ташналик уни Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институтига етаклаб келди.


Ҳозир у темир йўлда юк ташиш процессини бошқариш факультетининг 2-курс талабасидир. Шу орада Дилором институтда студентлар ва ўқитувчиларнинг назарига тушди. Д. Эргашева аъзолчи бўлиш билан бир қаторда актив жамоатчи ҳисобланади. Факультетда ёки институтда ўтаётган тадбирларда ҳар доим бу қизнинг ўз улуши бўлади. Вазифани ҳалол ва виждонан бажариш унинг характерига хосдир. Бу қизни курсдошлари самимийлиги, меҳрибонлиги, истаган вақтда ёрдамини аямайдиган содиқ дўстлиги ва камтарлиги учун ҳам ҳурмат қилишади. Шунинг учун уни институт касаба союз аъзолигига ва ётоқхона студентлар советига сайлашди. Ҳозирда Дилором студентлар ишончини оқлаб, юклатилган жамоат ишларини шараф билан уддалаб келяпти.

Мустақил фикр юритиш, ҳар бир ишда мустақиллик касб этишни у ўз ҳаётининг асоси деб билади.


— Бу қизни яхши ташкилотчи сифатида биламан. Пахта йиғим-терими компаниясида меҳнатсеварлигини кўрган эдим. Яқинда институтимиз Ўрта Осиё темир йўллари бошқармаси билан ҳамкорликда студентлар отрядини ташкил қилдим. Бу қиз билан фахрланса арзийди, — дейди институт партия комитети секретари Юрий Константинович Ведешкин.

21 ёшли студент Дилором Эргашевага институт коллективи яқинда катта ишонч билдириб, уни шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди. Халқи учун шарафли хизматга отланган ишчи қизга тенгқурлари «Сенга ишонамиз, Дилором» дейишмоқда.

Ҳ. СОДИҚОВ,
Ленин район 186-сайлов округи комиссияси раиси.







Икки сайлов орасида Тошкент қиёфаси жуда ўзгариб кетди. Кўплаб корхоналар, турар жой бинолари, маданий-маиший объектлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Янги массив ва хиёбонлар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшяпти.

Калинин, Қизил Шарқ массивлари қад ростламоқда. Бу жойларда қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилаяпти. Ҳар йили юзлаб оилалар ҳовли тўйларини нишонлашмоқда.

Фотомухбиримиз Т. Каримов сайлов арафасида шаҳримизнинг турли чеккаларида бўлиб, сўнгги йилларда қад кўтарган бинолар суратини олиб қайтди. Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу фотолавҳаларда «Беруний» проспектида ва Чорсу массивида фойдаланишга топширилган турар жой бинолари, Юнусобод массивининг 10-кварталидаги 1600 ўқувчига мўлжалланган ўрта мактаб биноси ва сўнгги йилларда ишга туширилган «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги корпуслари тасвирланган.

21 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ТОШКЕНТ: САЙЛОВДАН — САЙЛОВГАЧА

Факт ва рақамлар

◆ Сайловлардан сайловларгача ўтган даврда саноат корхоналарини реконструкциялаш ва техника жиҳатдан қайта қуроллантиришга 419 миллион сўм капитал маблағ сарфланди.

◆ Маҳсулот турларини кўпайтириш анча яхшиланди, қарийб 2.500 турдаги янги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

◆ 1986 йилнинг ўзидагина 4.6 минг илмий-техникавий тадбирлар жорий этилди. Бунинг натижасида 3 минг кишини бошқа ишларга ўтказиш имкони туғилди.

◆ 1985—1986 йилларда ва жорий йилнинг биринчи кварталида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектлари қурилишига бир миллиард 837 минг сўм капитал маблағ сарфланди, 1,6 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди.

◆ Ана шу давр мобайнида 2 миллион квадрат метрдан зиёд шинам уйлар, социал, маданий-маиший ва коммунал хизмати тармоқлари ҳам фойдаланишга топширилди. Сайловдан сайловгача бўлган вақт ичида 16 минг оила янги уйларга кўчиб ўтди. Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига 996 та квартира ажратилди.

Сўз — ёш сайловчиларга

МЕН ОВОЗ БЕРАМАН

Бундан бир ой олдин 18 ёшга тўлдим. Ана шу умрим мобайнида ҳаётимда икки марта эсдан чиқмайдиган воқеа содир бўлди. Бири қўлимга совет граждани деган паспорт олган куним бўлса, иккинчиси ўрта мактабни тугаллаб, ишга кириб, биринчи маошимни уйга олиб келганимда бўлган эди. Яқинда агитаторлар номимга ёзилган сайлов қоғозини олиб келишганида яна бир бор чексиз фахрландим. Энди мен ўзимни жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли кишиси деб ҳисоблашим мумкин. Чунки ҳокимият органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлдим.

Мактабда ўқиб юрган кезларимда дадам, акам ва опамлар эрталаб байрамона музика янграётган қизил алвонли уй томон кетишаётганда ортларидан энтикиб қолардим. «Қачон мен ҳам улар билан бирга шундай тадбирларда қатнашаман», дер эдим. Мана ўша орзулар ҳам ушалмоқда. Эртага эрталаб мен ҳам худди ўшалардай сайлов участкасига бораман. Биринчи маротаба халқ номзодлари учун овоз бераман. Бу қувончли дақиқалар албатта, бир умр ёдимда қоладн.

Шу кунларда кўтаринки руҳ билан ғайратимга ғайрат қўшиб ишлаяпман. Смена топшириқларини ҳам 110—120 процентга етказаяпман.

Касбим пайвандчилик. Бундан бир йилча олдин заводнинг 3-пайвандлаш ва пресслаш цехи 4-участкасига ишга келган эдим. Қўлимда касбим бўлмаганидан олдин шогирд тушдим. Ҳар бир соҳанинг ўз қийинчилиги бўлгани каби пайвандлашнинг ҳам бош қотирадиган томонлари кўп экан. Шу боис, жиддий ишлаш ва қунт билан бу касбнинг сир-асрорларини ўргандим. Ҳозир 3 разрядли ишчиман. Яним йилдан буён мустақил ишлаяпман. Бизнинг участкамиз асосан халқ хўжалигимизнинг турли юкларини ташишга мўлжалланган прицеп рамаларини ишлаб чиқаради. Бу ердаги бригадаларнинг ҳаммаси пудрат бўйича ишлаяптилар. Шунинг учун ҳам ишимиз баракали бўлмоқда. Цех ва участка бригадалари орасида Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига бағишлаб қизғин ўтаётган социалистик мусобақада бизнинг комсомол-ёшлар бригадамиз ҳам бир неча маротаба ғолиб чиқди ва цех кўчма Қизил байроғи ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Завод миқёсида уюштириладиган пайвандчилар кўрикларида ҳам фаол қатнашиб келаяпмиз. Бригадамизни интернационал бригада дейиш мумкин. Чунки етти миллатнинг вакили ака-укалардек, бир жон-бир тан бўлиб, ягона мақсад йўлида тер тўкяпмиз. Бузилмас дўстлигимиз кун сайин ортмоқда.

Ўтган йилнинг сентябрь ойидан цехимиз давлат қабули системасига ўтказилди. Бу система маҳсулот сифатининг кескин яхшиланишига таъсир кўрсатди. Эндиликда сон эмас, сифат бош масала эканлигини бригадамиз ишчилари яхши тушунадилар. Чунки улар бугунги ошкоралик ва демократлаштириш даврида ишимизда қайта қуриш нечоғлик зарурлигини қалбдан ҳис қилиб, меҳнат қилишмоқда. Бу деганим, пайвандлаётган рамаларимиз биринчи тақдимдаёқ давлат қабул комиссияси ходимларининг юқори коэффициентини тобора кўпроқ олаяпти.

Ҳа, эртага катта байрам. Тракторсозларимизнинг энг муносиб кишилари Советларга депутатликка сайланадиган кун. Демократик Совет сайловларида биринчи марта қатнашаётган 21 нафар ишчи-ёшларнинг бири сифатида мен ҳам бу билан чексиз фахрланаман!

Р. УЗБЕКОВ,
СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Қувончли ўзгаришлар



МАССИВ ЖАМОЛИ

Меҳнаткашлар депутатлари Киров район Советн ижроия комитети адресига Юнусобод массивида яшовчи аҳоли номидан шикоят тушди. Унда қайд этилишича, массивда истиқомат қилувчилар учун қулайликлар йўқлиги, ҳатто кундалик зарурий эҳтиёжларга ҳам етарли шароит яратилмаганлиги, жумладан, шу чоққача бу ерда бирорта мебель магазини қурилмагани, озиқ-овқат, сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилувчи тармоқларнинг камлиги, айниқса маиший хизмат соҳасида ишлар ўлда-жўлдалиги ҳақида куйинчаклик билан ёзилган эди. Ижроком бу хатни депутатлар ихтиёрига топширди. Халқ хизматкорлари масалага диққат билан ёндошишди. Турли касб кишилари билан суҳбатлашилди. Мактубда келтирилган камчиликлар чиндан ҳам мавжудлиги аниқланди. Ниҳоят депутатлар ёрдами билан массив марказида катта мебель магазини қурилиши бошлаб юборилди. Ҳозирда бу магазин фақат юнусободликларгагина эмас, ҳатто шаҳар аҳолисига ҳам намунали хизмат кўрсатмоқда.

Депутатлар фаоллиги билан массивнинг турли чекка ларида озиқ-овқат ва сабзавот магазинлари қурилиб ишга туширилди. Спорт, атторлик ва атир-упа маҳсулотлари билан савдо қилувчи салонлар фойдаланишга топширилди Айниқса, Аҳмад Дониш кўчасида маиший хизмат шаҳарчасининг бунёд этилиши кўпчилик дилидаги муддао бўлди. Бу ерда кийим-кечакларни химиявий усулда тозалашдан тортиб, пойабзал ремонтигача бўлган хизмат турлари мавжуд. Сайлов арафасида биз ана шу шаҳарчада бўлиб, бир неча кишилар билан суҳбатлашдик.

— Умуман, икки сайлов орасида массивимиз қиёфаси ўзгариб кетди, — дейди «Ташсельмаш» заводи ишчиси Ҳ. Каримов. — Биргина биз истиқомат қилаётган 14-кварталнн олайлик. Бир йил ичида бу ерда иккита озиқ-овқат магазини, атторлик ва атир-упа маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон, битта сабзавот маҳсулотлари магазини ишга туширилди.

— Юнусобод йил сайин кенгайиб бормоқда, — дейди бу фикрни тасдиқлаб меҳнат ветерани Б. С. Смирнов. — Мен хусусан ободончилик ҳақида сўз юритмоқчиман. Биргина Аҳмад Дониш кўчасини олайлик. Ҳозир бу кўчадан ўтган кишининг бахри-дили очилади. Озода, кўркам, салқин кўча шу атрофда яшовчиларнинг оромгоҳига айланиб қолган. Айниқса кечки пайтлари бу ерда сайр қилиб юрувчилар сони ортади.

— Бўлажак депутатларимизга шикоятларимиз ҳам йўқ эмас, — дея унинг сўзини давом эттира кетди асбобсозлик заводи ишчиси, III даражали Меҳнат Шуҳрати орденининг кавалери Ҳ. Носиров. — Буларнинг энг биринчиси шундай катта массив территориясида бирорта ҳам маданият ва истироҳат боғининг йўқлигидир. Ахир аҳолининг шанба ва якшанба кунлари унумли дам олишлари ҳақида биринчи навбатда райижроком ва унинг халқ вакилларидан ташкил топган депутатлар группаси қайғурмаса, ким қайғуради?

Бу фикрни кўпчилик ёқлаб чиқди. Ўйлаймизки, район Совети ижроия комитети ва унинг депутатлар группаси аъзолари аҳолининг бу ҳақли талаби хусусида ҳам ўйлаб иш юритиб, бирор пухта қарорга келишар, деган умиддамиз.

Юнусободда турар жой бинолари қурилиши ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда. Икки сайлов орасида бу ерда озмунча ҳовли тўйлари нишонланмади. Энг муҳими қурилаётган бинолларнинг сифати йил сайин ортиб бораётганлигидадир.

Биз массивнинг 19-кварталида шу йили фойдаланишга топширилган кўпқаватли бинолардан бир нечтасида бўлдик. Уларда истиқомат қилаётган бахтиёр оилалар билан суҳбатлашдик. Уларнинг ҳаммаси қурувчилар меҳнатидан мамнун.

Массив аҳолисининг кувончи бугун янада чексиз. Кунимекча улар «Тошкент оқшоми» газетаси орқали Юнусобод — Ойбек метро линиялари қурилиши ҳақидаги мақолани ҳаяжонланиб ўқиб чиқишди. Улар бундай кунни орзиқиб кутишган эди.

Орадан йиллар ўтади. Таҳминан икки-уч сайлов оралиғида Юнусобод аҳолиси ҳам транспортнинг бу энг қулай воситаси — метро хизматидан фойдаланадилар. Бундай кун яқин.

М. КОМИЛЖОНОВ.

Жўшқин ҳаётимиз воқеаларга жуда ҳам бой. Қайта қуриш ва жадаллаштириш йўлидан бораётган халқимиз КПСС XXVII съезди белгилаб берган улуғвор режаларни амалга оширишга ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Барча совет кишилари қаторида шаҳримиз меҳнаткашлари ҳам эртага ўтказиладиган халқ депутатлари маҳаллий советларига сайловлар, ҳамда район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьяларини сайлаш кунига муносиб ютуқлар билан келмоқдалар. Ушбу қўш саҳифадаги ранг-баранг материалларда ана шулар ҳақида сўз боради.

Наказлар асосида

ШАҲАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Моҳинур халқ депутатлари Октябрь район Советига ўз номзоди кўрсатилган ўша кунларни ширин бир орзиқиш билан эслайди. Аслида унинг ҳаётида бундай қувончли воқеа биринчи марта содир бўлган бўлса-да, Тошкент марказий телеграфининг бу моҳир телеграфчиси ҳаяжондан ўзини йўқотиб қўймади. Депутатлик шарафли бурч эканлигини, у инсон зиммасига катта масъулият юклашини Моҳинур аввалларн ҳам қалбан ҳис этарди. Шу боисдан олдинги сайлов арафасида сайловчилар билан бўлган учрашувларда у халқ хоҳиш-истагини чуқурроқ ўрганди.

Айниқса Моҳинур Норхўжинова Оқтепа массиви аҳолисидан тушган наказни бажаришга катта куч ва ғайрат сарфлади. Ўша 1985 йилларда массивда янги турар жой бинолариии ишга туширилиши билан шу яқин атрофдаги мактабгача тарбия муассасаларига талаб кучайиб кетганди. Ҳатто янги боғча қурилишини бошлаш юзасидан ёрдам сўраб халқ депутатлари Октябрь район Совети ижроия комитетига меҳнаткашлардан хатлар оқиб кела бошлади. У хатларни ўрганиб чиқди. Аҳолининг эҳтиёжини қондириш учун эса қалби қайноқ, жўшқин фаолиятига бой депутатларнинг ташаббускорлиги талаб этиларди. Ўзида ана шундай ажойиб хислатларни мужассамлаштирган халқнинг ишончли вакили Моҳинур фаоллик кўрсатди. У янги боғча қурилишини бошлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиб, объектда иш суръатини жадаллаштиришга бошқош бўлди. Хом ашё, қурилиш материаллари таъминотидаги етишмовчиликларни юқори ташкилотларга қатнаб, ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатди.

Халқ депутатлари район Совети ижроия комитетида сайловдан сайловгача бўлган даврда шу ҳилдаги бир қанча салмоқли ишлар амалга оширилди. Депутатлардан Сулаймон Мамедовнинг Самарқанд дарвоза кўчасида 89-турар жой идорасини ташкил этишда, Лидия Горохованинг «Марказ-27» массивида иссиқлик трассасини уч километрга узайтиришда, Александра Татилскаянинг 10-ўрта мактаб ўқувчилари учун 2-ўқув ишлаб чиқариш комбинатини барпо қилишда ва уни ислоҳот талаблари даражасига кўтаришда кўрсатган жонкуярликлари ваташаббускорликларидан эл-юрт мамнун бўлмоқда.

Бундай фидокор кишиларнинг номларини шаҳримизда кўплаб давом эттириш мумкин. Сайловчилар наказларига мувофиқ шаҳарда 1985—1986 йилларда ишлаб чиқариш ва социал-маданий қурилишга 30 миллион сўмликдан зиёд маблағ ажратилди. Ўнта наказ бўйича уй-жой, социал ва хизмат объектлари ишга туширилди. Сергели районидаги 1985 йилда қурилган 1568 ўринли мактаб биноси, Акмал Икромов районидаги 150 киши ишлайдиган маиший хизмат уйи, Куйбишев районидаги туғруқхона, Собир Раҳимов районининг Қорақамиш массивидаги «Савдо маркази», 47, 67-автомат телефон станциялари шулар жумласидандир. Бундай қувончли натижалар халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам яққол кўзга ташланиб турибди.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

Халқ номзодлари





Кўзларидан меҳр ёғилиб турган бу қизнинг камтарона меҳнати юзлаб шаҳарликларни мамнун этаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Дилдора Дадахонова «Орзу» кафесининг комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи сифатида доимо хўрандаларга намунали хизмат кўрсатишга интилмоқда. Яқинда Дилдорага кўпчилик ҳамкасблари юксак ишонч билдирдилар. Халқ депутатлари шаҳар Советига унинг номзодини кўрсатишди. Етакчи, моҳир ошпаз Дилдора Дадахонова (суратда чапда) бу юксак ишончни амалий меҳнат билан оқламоқчи.

* * *

Подшипниклар ремонти заводида Лобар Жўраеванн билмайдиганлар, унинг коллектив муваффақиятига қўшаётган улушини ҳис этмаётганлар топилмайди. Ўн йиллик бой иш тажрибасига эга бўлган бу моҳир ишчини самарали меҳнатларини ҳисобга олиб, коллектив аъзолари Лобарга катта ишонч билдирдилар.

СУРАТДА: 1988 йилнинг дастлабки ойлари ҳисобига меҳнат қилаётган моҳир ишчи Лобар Жўраева.

Т. Каримов фотолари.

ИШОНЧ

Йигирма баҳорни ҳатлаб ўтган Дилфузанинг жажжигина ҳаёт дафтарчасида эзгу лаҳзалар битилган лавҳалар оз эмас. Лекин буниси ҳаммасидан ошиб тушди. Нега шундай бўлди? Бошқалар қатори ишлаяпти-ку! Ахир, 2-цехда илғорлар камми? Мана, цех бошлиғи Римма Степанова, кўпни кўрган аёл, ишнинг кўзини яхши билади, ажойиб раҳбар, ҳузурига кирсанг, тўлиб-тошиб чиқасан киши. Устози Маҳфуза опа Алимовачи? Эҳ-ҳе, қанчадан қанча шогирдлар тайёрлаган. У ҳақда гап кетса, тикувчи қизларнинг тилидан бол томаяптими, дейсиз. Маъсуда Алимова ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади: Дилфуза ишлайдиган комсомол-ёшлар бригадасига бошлиқ, сергайрат, олов қиз, ишни ҳам, раҳбарликни ҳам дўндиради...

Ишдан қайтиб, кароватга чўзилганича шипга тикилиб хаёл сураётган қиз ана шулар ҳақида ўйларди. Нимадан бошланди ўзи! Э-ҳа, ҳаммасига ўша дугонаси Хатира сабабчи. Ўша куни одатдагидек ҳамма қатори у ҳам ишга барвақтроқ келди. Шу орада цех бошлиғи, ҳозир бирлашма партия комитети секретари Саида Аброровна Саидаҳмедова келиб, смена оралиғида ўтказилиши мўлжалланган йиғилишда қатнашмоқчи эканлигини маълум қилди. Саида опа ниҳоятда дилкаш аёл. Дилфуза у билан жуда кўп марта суҳбатда бўлган. Сўнгги бор учрашганларида партком опа унинг оиласидан тортиб, ишидаги ютуқ-камчиликлар, келажакдаги орзу-истакларигача сўраб-суриштириб билиб олган эди.

— Қизлар, — деди йиғилишда сўз олган Саида Аброровна, — 56-округ сайловчилари шаҳар Совети депутатлигига ўз номзодларини бизнинг бирлашмамиздан кўрсатишни илтимос қилишибди. Қани, кимда қандай таклиф бор?

Ҳамма бирдан жимиб қолди, ҳамма бир савол устида бош қотирарди: кимнинг номзодини кўрсатсак бўларкин! Цехда муносиб тикувчилар жуда кўп-ку?

Шу пайт Хатира қўл кўтарди. Табиатан босиқ, етти ўлчаб бир кесадиган бу қизни комсомол-ёшлар бригадасидагина эмас, цехда, ҳатто бутун бирлашмада кўпчилик ҳурмат қиларди. Йиғилиш аҳли Хатирага тикилганча сукут сақламоқда.

— Сўз сизга, ўртоқ Холматова,— деди партком секретари, — лекин кўрсатадиган номзодингиз бизни уялтирмайдиган бўлсин...

— Мен, опа — деди Хатира энтикиб,— шаҳар Совети депутатлигига бригадамизнинг илғор ишчиси Дилфуза Фозилова номзодини кўрсатмоқчиман...

Қарсакдан цех титраб кетгандек бўлди. Атрофдан «тўғри», «маъқуллаймиз», «муносиб номзод» деган луқмалар эшитилиб турар, фақат бир киши — Дилфузагина бу қизғин олқишларга қўшилолмай жимгина бош эгиб ўтирарди. Унинг хаёлини бир савол қамраб олган: «наҳотки менинг номзодим кўрсатилаётган бўлса, янглиш эшитмадимми?»

Дилфуза ўзига келганида яна Саида опа гапирмоқда эди:

— Яхши. Жуда яхши. Энди, Хатира, номзодингизни биз билан таништиринг, марҳамат!

Хатира Дилфузанинг комсомол-ёшлар бригадасида аллақачон ҳаммага маълум таржиман ҳолини яна бир марта қисқагина гапириб берди: у 1979 йилда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги 127-ҳунартехника билим юртини тамомлаб, тикувчилик касбини эгаллади ва шу ерда ишда қолди. Комсомол аъзоси, коммунистик меҳнат зарбдори, актив жамоатчи Дилфуза — цеварлар оиласининг бир вакилидир. Унинг онаси Насиба опа ҳамда опасингилларининг ҳаммаси «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида тикувчилик қилишади. Дадаси шифокорликдан пенсияга чиққан. Хуллас, Дилфуза шаҳримиздаги минг-минглаб оловқалб ёшлардан бири.

— Сенга ишонамиз, Дилфуза, — деди ҳамкасбларидан бири уни юксак шараф билан табриклар экан, — наказлардан чўчима, бизга суянавер...

Киров районидаги 17-мактаб залида ўтказилган 56-округ сайловчиларининг умумий йиғилишида Дилфуза Фозилова номзоди якдиллик билан рўйхатга олинди. Шундан кейин у жуда кўп марта сайловчилар ҳузурида бўлди...

Хаёллар оғушидаги Дилфуза хонага ойисининг кириб келганини ҳам сезмай қолди.

— Нима, бирор жойинг оғрияптими, қизим? — сўради Насиба опа, — негадир хафа кўринасан?

Дилфуза ўрнидан турар экан, ойисини қучоқлади, шу пайтгача бу хушхабарни унга билдирмаганидан ўкинди.

— Йўқ, ойижон, касал ҳам, хафа ҳам эмасман. Аксинча, кутилмаган бахтдан шодлигим дилимга сиғмаяпти.

— Қанақа бахт?

— Мени депутатликка сайлашмоқчи, ойижон, ҳозиргина сўнгги сайлов олди учрашувидан қайтдим.

— Сен — депутат? — она ҳурсандлигидан гангиб кароват четига беҳолгина ўтириб қолди, — бизнинг оиламизда депутат, қандай яхши, оқ сутим, нон тузим, берган тарбиямга розиман, қизим, раҳмат, минг бор раҳмат!

— Ойижон, аввало, сизга қуллуқ. Шу касб меҳрини сиз қалбимга жо қилдингиз. Меҳнатни, одамларни, ҳаётни эъзозлашни ҳам сиз ўргатдингиз. Ҳаммаси учун сизга таъзим, ойижон! Биласизми, сайловчиларимдан бири «Сенга ишонамиз, Дилфуза,» деди. Лекин шу ишончни оқлай оламмиканман?

— Эл-юрт ишончи — энг катта бахт, болам, — деди она кўзларидаги қувонч ёшларини артиб, — уни оқла, кам бўлмайсан.

Ҳа, Дилфуза ишончни оқлайди, деган умиддамиз. Сайловчиларни ҳам шу умид эртага сайлов участкаси сари бошлаб боради.

А. НУРИМОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

ТЎРТ АВЛОД УЧРАШУВИ

Сергели районидаги «Маданият» маҳалласининг боғи байрамона безатилган. Атрофга «Хуш келибсиз», «Янги урф-одатлар ҳаётга» ва «Тўйларингиз муборак» деган шиорлар осилган. Карнай-сурнай, ноғора овозлари ҳаммани тўйга чорламоқда. Маҳаллада муборак «Олтин тўй», «Кумуш тўй», «Никоҳдан қайд қилиш ва исм қўйиш» маросимлари ўтказилмоқда.

Турмушимиздан муносиб ўрин эгаллаб келаётган янги урф-одатлар ва маросимлар кундан-кун мазмун ва аҳамият касб этмоқда. Ана шундай маросимлардан «Маҳалла куни», «Олтин тўй», «Кумуш тўй», «Ҳарбий хизматга кузатиш», «Чақалоқларга исм қўйиш» маросимларини ўтказиш янги ва яхши анъаналардир.

Маълумки, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ҳозирги кунда халқимизнинг янада фаровон яшаши учун ҳамма ғамхўрликларни кўрсатмоқда.

Коммунистик ахлоқли совет турмуш тарзини қарор топтириш, ичкилик ва алкоголизмга қарши кураш, янгича урф-одатларнинг кенг жорий этилиши фикримизнинг яққол далилидир.

Тотув яшаётган бахтиёр оилаларда ўзларининг никоҳ тўйлари кунини нишонлаб, уларни табриклаш, совғалар ҳадя этиш одат тусига кириб бормоқда. Ана шундай маросимлардан бири тўрт авлод учрашувига айланди.

Бугунги маросим ва «янгича урф-одатлар — ҳаётга!» кечасини маҳалланинг маданий ишлар бўйича активи, маданият ходими Асадулла Файзуллаев қисқача кириш сўзи билан очди.

«Тўйлар муборак» куйи барала янграб, даврага тўй эгалари таклиф қилинди. Уларни фарзандлари, таништари, бирга ишлаган ҳамкасблари табриклаб, чин дилдан самимий истаклар билдирдилар.

— Бизни куёв-келинликдаги тўйимиз оддийгина ўтган эди, — деди Раҳимжон ота. — Эндиликда пири-бадавлат, ували-жувалимиз. Бугунги ҳурмат-эътибордан бошимиз осмонга етди. Ҳаммамизнинг бахтимизга юртимиз тинч, Ватанимиз осмони мусаффо бўлсин!».

Кечада тўйлар, бахт ҳақида шеърлар, қўшиқлар ижро этилди. 2-маданият уйининг «Дилнавоз» ашула ва рақс ансамбли концерт қўйиб йиғилган меҳмонларни хурсанд қилди.

Кеча сўнгида «Маданият» маҳалласи хотин-қизлар кенгашининг раиси Умри Норхўжаева бундай тадбирларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида гапирди.

Кечага бағишлаб тайёрланган «Янги урф-одатлар — ҳаётга!» деган китоблар кўргазмаси намойиш этилди.

Кечани уюштиришда 6-район кутубхонасининг «Гулшан» клуби, 32-мактаб, 2-маданият уйи ва маҳалла активлари жонбозлик кўрсатдилар.

М. ФОЗИЛОВА.

Уй муборак!

КЕНГ ВА ШИНАМ

«Тошкент, Сергели — Г—40, 3-уй». Сайлов арафасида ҳамшаҳарларимиз кўчиб ўтадиган янги уйининг 72 оиласи ордерларига ана шу адрес қайд этилди.

Мазкур уйни «Главташкентстрой»нинг 3-конвейерли қурилиш бошқармаси коллективи бунёд этмоқда.

Тўққиз қаватли бу уйнинг квартиралари қулай ва чиройли планлаштирилган. Шу кунларда бинода сайқал бериш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Бош пудратчидан меҳнат эстрафетасини Д. Бассилко бошлиқ энг яхши комплекс сувоқчи ва бўёқчилар бригадаси қабул қилиб олди.

Бошқарма шу йил 1 июндан бошлаб коллектив пудрати асосида меҳнат қилмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейн нишонланадиган кунга қадар икки йиллик топшириқни бажариш учун социалистик мусобақага қўшилган пардозловчилар қолоқларсиз, жароҳатсиз, браксиз ишлаш режаларини дастуриламал қилиб олишган.

Д. ОБЛАЕВ.

◆ Ўтган муддат давомида қарийб 23 минг ўринли умумий таълим мактаблари, 8,1 минг ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, 580 ўринли касалхоналар, 2250 кишига хизмат кўрсатувчи поликлиникалар фойдаланишга топширилди.

◆ Кейинги икки йилда ишлаб чиқариш майдони 13,5 минг квадрат метрга тенг бўлган 256 та маиший хизмат тармоғи очилди, хизматнинг 60 та янги тури ва кўриниши ўзлаштирилди.

◆ Савдо корхоналари тармоғи ҳам тобора кенгаймоқда. 1985-86 йилларда умумий майдони 20 минг квадрат метрга тенг савдо корхоналари фойдаланишга топширилди.

◆ Бугунги кунда савдо корхоналаридан 868 тасида ўз-ўзига хизмат усули жорий этилган. Товар оборати ҳажми 1986 йилда 1984 йилдагига нисбатан 8 процентдан зиёдга ўсди.

◆ Ўтган икки йилда пассажирлар ташиш ҳажми бундан аввал икки йилдагига нисбатан 163 миллион пассажирга кўпайди, линияларга чиқариладиган транспорт воситалари сони ошди.

◆ Шаҳар аҳолисининг телефонга бўлган талаби изчил қондириляпти. 1985 йилги сайловлардан буён 42 мингдан зиёд телефон ўрнатилди.

ТОШКЕНТ: САЙЛОВДАН–САЙЛОВГАЧА

21 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ШАНБА ОҚШОМИ

Ҳикматли гаплар

ОНА-ВАТАН ВА ИНСОН БАХТИ

◆ Она-Ватан қудрати — инсон бахт-саодати.
◆ Инсонни табиат яратади, жамият вояга етказади.
◆ Инсонга иззат-ҳурмат — жамиятимизнинг олий қонуни.
◆ Яхши тарбия — жамиятимиз гултожиси.
◆ Ўтмишни қадрлаб, бугунгини шарафлаб яшаймиз.
◆ Одамлар меҳнати — Ватан зийнати.
◆ Аждодлар қидирганни — авлодлар топади.
◆ Шахсий бахтини ўйлаган одам кўпчиликдан айрилади.
◆ Илғор инсон — олтин кўприк.
◆ Она-Ватанимиз қонун-қоидалари ҳаммага тенг ҳуқуқ ва бахт улашади.
◆ Оталар жасорати — фарзандлар матонати бўлиб қолади.

Матлуба УЛУҒОВА.
Ветеран педагог.

ИККИ ҲИКОЯТ

Донишмандниг насиҳати

Ҳаётнинг мўъжизаси, табиатнинг яратувчанлиги, яшашнинг кўпдан-кўп омилу-тадбирлари борки, уларни ҳар бир одам умр бўйи ўрганиб боради. Донишманд бир кекса бир ёш йигитга насиҳат қилиб айтибди:

— Эй, ўғлон, кун бўйи саланглаб, вақтингни беҳуда ўтказма, бирор юмуш билан машғул бўл, ҳунар эгалла. Дунёда энг ёмон одат бекорчиликдирки, халқ «бекорчидан — эл безор», деб айтган. Менинг ҳаёт тажрибасидан нақл қилаётган бу сўзларимни дилингга жо этсанг, дунёда кам бўлмайсан...

Ялқов йигит кексанинг бу сўзларини лоқайд эшитиб, индамай кетаверибди. Орадан йиллар ўтибди, йигит лақиллаб юраверибди, ҳеч бир иш, ҳунарнинг бошини тутмабди, ота-онасидан қолган мол-мулкни ҳаржлаб юраверибди. Шунда доно кекса уни кўриб, афсус-надомат билан дебди:

— Эй, ўғлон, умринг елга совурилиб, беҳуда ўтяпти. Атрофингга разм солгин, дарранда-ю-паррандалардан тортиб, қурт-қумурсқаларгача нон-насиба топиш дардида ҳаракат қилади, сен эса бундай юришда охири хор-зор бўласан... Майли, шундай юраверсанг, ҳаммасини бора кўрасан...

Доно кекса айтганидек бўлиб, йигит ҳар кимнинг қўлига қарайдиган, бир бурда нонга зор аҳволга тушиб қолибди:

— Кекса ота «ҳаммасини бора кўрасан», деб тўғри айтган экан, энди эсимни йиғиб бир ҳунар эгалламасам бўлмас экан, — дебди ва бир темирчига шогирд тушиб ҳунар ўрганибди, ҳалол меҳнати билан турли уй-рўзғор идишлари ясаб, бахт калитини топибди-да, саодатга эришибди. Аммо хор-зорликда беҳуда ўтган кунларига ачиниб, ўзича хўрсиниб қўядиган бўлибди.

Ҳар кимнинг бир ҳунари бор

Донодан сўрашибди:

— Ҳар бир одамнинг бир ҳунари бўлишида қандай фазилат бор?

Доно жавоб берибди:

— Одамда қобилият деган ноёб хислат бўлади: бир киши пазанда — овқатни лаззатли тайёрлайди, бир киши созанда — яратган куйи дилга ором беради, бир киши шифокор бўлади, дардга малҳам бағишлайди, яна бир киши заргар — тиллага зеб беради, бир киши дурадгор — ёғочдан гул ясайди, бир киши раҳбар — кўпчиликка падарлик қилиб, минг қўшчига бошчи бўлади, хуллас ҳар бир одамнинг бир қобилияти борки, табиат унга буни инъом этган бўлади.

— Ҳунарсиз одамни, бирор қобилияти йўқ одамни нимага ўхшатса бўлади?

Доно айтди:

— Ҳеч қандай ҳунари ва қобилияти йўқ одамни тўнка дейиш керак.

Абдураҳим УМАРОВ,
шифокор.



Ҳамшаҳарлар Сизлар учун

Бирodарлашган шаҳарлар шарафига

Сайловдан-сайловгача ўтган даврда шаҳар умумий овқатланиш корхоналари сони яна юзтага кўпайди. Минг ўриндан ошиқ хўрандалар учун мўлжалланган кафе, ошхоналарда ҳамшаҳарларимиз учун барча қулайликлар яратилди. Шу давр мобайнида фақат Фрунзе районида янгирмадан ошиқ замонавий, қулай бўлган умумий овқатланиш корхоналари фойдаланишга топширилди.

БУГУН маҳаллий Советларга сайловлар арафасида райондаги «Самарқанд» кафеси қошида Тошкентнинг бирodарлашган шаҳарлари номи билан аталувчи бир қанча бўлимлардан ташкил топган чойхона-ошхона ишга тушди. 12 хонадан иборат бўлган бу ошхона бўлимлари Марокаш, Тунис, Ливия, Хасково, Скопье ва бошқа шаҳарларнинг номи билан аталади. Шуниси диққатга сазоворки, ҳар бир хона номига мос қилиб жиҳозланган.

Чойхона-ошхонага ташриф буюрувчи ҳар бир хўранда хоналарга ўрнатилган рангли телевизор орқали концертлар томоша қилиши ва ҳар хил мавзулардаги видеофильмларни кўриши мумкин. Хўрандаларга хизмат кўрсатиш олдидан билет сотиш йўли билан ташкил этилади. Билет ҳақига комплекс овқат ва бошқа хизматлар киритилган. Бундан ташқари меҳмонлар қовурилган товуқ ва ўзбек таомларини буюртиришлари мумкин.

СУРАТДА: чойхона-ошхонанинг ташқи кўриниши.

Т. Каримов фотоси.

Совет турмуш тарзи

Шукрона

Султон Назаровнинг фикрича ҳар бир ўтган кун ғанимат бўлиши билан бирга тарбиячилик, инсонийлик тарихига битилган бир саҳифадир. Унинг мазмунли бўлиши одамнинг ўзига боғлиқ. Шунинг учун ҳам у партада сўзларига қулоқ тутиб ўтирган ўқувчиларга умид ва ишонч билан қарайди. Масалани мумкин қадар чуқурроқ тушунтиришга ҳаракат қилади. Турмушдан, буюк математиклар ҳаётидан олинган мисоллар билан ўз лекциясини тўлдиради. Сирли оламга ўқувчини дадил бошлаб киради.

Ана шунда у ўзида қандайдир қизиқиш сезади. Нега, нима деган саволлар хаёлида чарх уради. Атрофлича жавоб олгач эса, бу фанга ҳаваси ортади. Шу фанни ўрганишга аҳд қилади. Унинг қалбида йилт этиб кўринган орзу учқунини алангалатиш, олдинга бошлаш ўқитувчининг муқаддас бурчи. Зеро, шу учқунни ўзи пайдо қилган, демак уни ўзи ловуллатиши керак.

Устоздан ўзмаган шогирд, шогирд эмас, дейдилар. Бир вақтлар Рамиз Мўминов билан Ботир Мирзаахмедов ўз устозидан маслаҳат олишарди. Ҳозир бири Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, физика институтининг директори, иккинчиси эса республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг директори. Ўзи эса ҳамон болалар даврасида. Уларга давр талаби даражасида билим бериш билан овора...

Гоҳида коридор бўйлаб чопиб бораётган болаларга ҳавас билан тикилиб қолади. Беихтиёр ўз болалигини, очлик, юпунлик йилларини эслайди. Оилада кўпчилик эдилар. Отасининг топгани рўзғорга учмауч етарди. Шу боис ишга яроқли болаларнинг ҳаммаси бирон-бир юмушни бажариб, пул топишга ҳаракат қиларди. Ғишт қуйиб, ўроқчилик қилишарди. Яхши ўқишига, эътиборга тушишига ана шу қийинчилик сабаб бўлди. Ўнинчи синфда ўқиётганидаёқ бошланғич синфларга дарс беришга таклиф қилишди. Бу ишончни оқлашга бутун умрини сарфлади. 46 йилдан буён иш кунини «Салом, болалар!» билан бошлайди. Бу сўзларни меҳр билан айтади. Фақат яхши шогирдлар тарбиялагани учунгина эмас, хизмати тан олинганлиги, кўксига «Ҳурмат Белгиси» ордени тақилганлиги, «СССР халқ маорифи аълочиси» унвони берилгани билан фахрланади.

Унинг Куйбишев районидаги 22-«Агрошкола» маҳалласида жойлашган хонадони ҳамиша гавжум бўлади. Ўн бир фарзанд, йигирма икки невараси бор. Маҳалла комитетининг раиси бўлганлиги учун турли тадбирларга бошқош. Яқинда сайловчилар билан номзодлар учрашувини ташкил этишда шахсан ўзи бош-қош бўлди. Айниқса, у замонни улуғловчи, ёшларни халққа, Ватанга содиқлик руҳида тарбиялашга ёрдам берадиган учрашувлар, суҳбатлар ўтказишга кўпроқ аҳамият беради. Тўкинлик-сочинлик учун шукрона келтиради.

Ш. МУҲАМЕДОВА.



«Сенга бир сир айтаман...»
И. Отажонов фотоэтюди

Ош кўклар

Ошкўклар ичида жамбил ва кашнични жуда яхши кўрамиз. Уларнинг хосиятлари ҳақида маълумот берсангиз.

Ш. Тошмуҳамедов,
ТошПИ студенти.

ЖАМБИЛ

Қайси бир хонадон ҳовлисига назарингиз тушмасин, унинг мўъжазгина боғчасида ошкўк сабзаларини учратасиз. Вужуди ҳушбўй, қуюқ-суюқ таомлар «хошияси», тотимли заминдори ошрайҳон, садарайҳон, хожирайҳон, жамбил, швит, кашнич кабиларнинг хосиятларини санаб поёнига етиш қийин.

Жамбил қадимдан шифобахшлиги билан танилган, серҳосиятли гиёҳ ҳисобланади. Юнонлар ўз даврида жамбил билан хушдан кетган кишиларни «ўзига келтирган»лар. Тибетликлар бу гиёҳ воситасида муртакларнинг яллиғланиши, бўғма, безгакдан даволанганлар.

Халқ орасида ёзнинг айни саратон кунлари жамбилдан чалоб тайёрлаб ичиш — ўз саломатлигининг қадрига боradiганларнинг суюкли амали ҳисобланади. Ўсимлик баррасидан тайёрланган чалоб тотимли, ҳузурбахш ичимлик, чанқовбосди восита бўлиш билан бирга, кишига дармон беради. Чалоб тайёрлаш учун 200 грамм (бир стакан) миқдорида қатиқ, 500 грамм қайнатиб совутилган сув, бир чой қошиқ миқдорида майдаланган жамбил, райҳон, барра пиёз солиниб обдон аралаштирилади-да, салқин жойларда сақланади.

Жамбилнинг шифобахшлигини белгилайдиган нарса, унинг таркибида жо бўлган фойдали моддалар билан тушунтирилади. Хусусан унда ҳушбўйлик берадиган эфир мойлари, карвакрол, парацимол, дипентен ва бошқа турдаги терпенлар бор. Шунингдек гиёҳда азотли моддалар — қанд, тўқима ва салмоқли миқдорда минерал моддалар мавжуд.

Хонаки жамбил тотимли зиравор, ошкўк ва манзарали гиёҳ сифатида ўлкамизнинг барча районларида маданий ҳолда ўстириш мумкин.

КАШНИЧ

Ошхонамиз эркатойи бўлмиш кашнични ким билмайди дейсиз. Кашничли таомлар нақадар ҳушхўр ва тотимли бўлиши билан бирга, осонлик билан ҳал бўлади.

Халқ табобатида кашнич меваси (спиртли тиндирма, кукун, дамлама ҳолида) хафақон, томир мўртлиги касалликларини даволашда, истиробли йўтални қолдиришда, гижжа ҳайдашда кенг қўлланилади. Илмий медицина амалиётида кашнич мевасининг доривор препаратлари иштаҳа очадиган, сапро ҳайдайдиган дори сифатида ҳамда бавосилни ва яраларни даволашда қўлланилади. Ундан оғиздаги ёқимсиз ҳидни кетказиш мақсадида ҳам фойдаланилади. Баъзида кашнич воситасида бемор тинчлантирилади, қайдга барҳам берилади.

Кашнич мевасидан уй шароитида дамлама тайёрлаш учун бир чой қошиқ миқдорда майдаланган кашнич меваларнинг устига бир стакан қайноқ сув солиб дамланади. Бу дамлама бир суткалик эҳтиёж ҳисобланади.

Кукун ҳолига келтирилган кашнич барғини мол ёғига обдон аралаштириб, уни малҳам сифатида қаварган ҳамда шишган жойларга суртилса, озорланишдан холи қилади.

Шуни айтиш керакки, мабодо ҳовлида ўстирилган ошкўклар кераклигидан зиёда бўладиган бўлса, у ҳолда ошкўклар ўриб олиниб, покизаланган ҳолда соя, шабодали жойларда қуритилиб, қишга ғамлаб қўйилиши мақсадга мувофиқ келади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

Келинг, бир кулишайлик

ХАНДАЛАР

МУЗИКА ИШҚИБОЗИ

Афанди тўйга бориб куй ва қўшиқларни мароқ билан тингларди. Тўй тамом бўлгач, ғижжакчининг олдига бориб деди:

— Тўй жуда ҳам яхши бўлди, фақат сиздан битта илтимосим бор, уйимга бориб куй чалиб берсангиз.

Ғижжакчи жавоб берди:

— Мумкин эмас, чунки мен бир кечага 500 динор пул оламан.

Афанди деди:

— Менда шунча пул йўқ, фақат ўн динор беришим мумкин.

Ғижжакчи деди:

— Ростини айтсам, сиз музика ишқибозига ўхшайсиз, майли эртага шу ерга келаётиб уйингизга кириб текинга чалиб бераман.

Ғижжакчи эртасига афандининг уйига келиб деди:

— Қайси куйни чалиб берай?

Афанди деди:

— Қанақа куй бўлса ҳам майли, фақат қўшнимни безовта қилса бас.

ЧИН СЎЗ

Кинога кирмоқчи бўлган афанди кичик ўғлига билет олмади. Назоратчи ўғлига ҳам билет олиш кераклигини айтган эди, афанди бундай деди:

— Чин эркаклик сўзим, бола мутлақо кино томоша қилмайди...

ҚОТИБ ҚОЛАДИГАН МАНЗАРА

Хадича хоним уйга уста чақириб, деворларини зийнатлаб беришни сўради.

Уста сўради:

— Лекин мен сизнинг дидингизни билмоқчиман, деворларга қандай зеб берай, энг янги декорацияни истайсизми?

— Йўқ...

— Швейцарнячасиннми?

— Йўқ...

— Бўлмасам айтинг, қанақасини истайсиз, ахир?

— Декорация-мекорация мени қизиқтирмайди... Мени дугоналаримнинг келиб кўришганида ҳасаддан қотиб қоладиганидан...

Арабчадан Қудратилло ТОШМЕТОВ таржимаси.

ЗАВҚ

(Қатра)

— Юзингни пардозласанг, сени ҳам базмга олиб бораман. Тўкинликнинг завқини тотсанг-чи, — дейди ялтироқ этик ишчи этикка, ғарч-ғурч, олифтанамо қадам ташлаб. Унинг ғарч-ғурчидан шавқ ва завққа тўла ғурур, салобат ёғилади.

— Менинг йўл-йўриғим бошқа. Шундоққина сени кўриб ҳам завқланяпман. Меҳнатимнинг самарасини сенда ҳам кўряпман-да. Эгатлар оша кесакларга бош урганим, гоҳ тунлари ойнинг кумуш нурларида сув, лой кечганларим зое кетмапти, деб қувонаман. Фақат ғирчиллашингни пастроқ қилсанг бас. Вазминроқ одимла. Ўзим хунук бўлсам ҳам қалбим гўзаллигининг ҳурмати бордир.

— Ғурурга сал эрк беribман. Меҳнатингни ўйлаб мулоҳаза қиляпман энди, — базм томон вазмин одимлайди ялтироқ этик.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

Ҳар тўғрида

◆ ТАРЖИМОН МАШИНА

Япониядаги «Осака гэс информэйшн систем» компанияси япон тилига таржима қиладиган ЭҲМни намойиш этди. Унга ўрнатилган мини-компьютер 35 минг сўздан иборат лугат билан ишлайди.

ЭҲМ соатига 2 минг сўзни таржима қилади.

◆ БЕШ МИЛЛИАРДИНЧИ КИШИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳисоб-китобига кўра, шу йилнинг 11 июлида Ер куррасининг аҳолиси беш миллиард кишига етди. БМТнинг аҳоли проблемаси бўйича Фонд директори Рафаэль Салас ушбу кунни бутун дунё бўйича «Беш миллиарднчи киши куни» сифатида нишонлашни таклиф қилди. Дарҳақиқат, сўнгги 13 йил мобайнида сайёрамиз аҳолиси бир миллиард кишига ортди ва асрнинг охирига қадар яна бир миллиард кишига кўпаяди. Ҳар куни эса Ер юзидаги кишилар сони 220 минг кишидан кўпайиб бормоқда.

◆ ҲИНДИСТОНЛИК ЧАПАҚАЙ

Катталаштирувчи ойна (лупа) орқали гуруч донасига қараган кишилар унда ўз номларини ва яшаш жойлари қайд этилган ёзувни кўриб ҳайратга тушдилар. Вақт ўтган сайин Андеш Гупта атрофдаги кишиларни ўз маҳорати билан янада ҳайрон қолдира бошлади. Масалан, ханжал (горчичний) уруғининг бир томонига машҳур Тож-Маҳалнинг тасвирини, бошқа томонига Қутб-минорнинг кўринишини акс эттирди.

Бу ноёб миниатюраларнинг муаллифи Деҳлидаги электроника ва телекоммуникация институтининг 23 ёшли талабаси бўлиб, у бир дона уруғ сатҳига 250 та сўзни жойлаштира олади, лекин у ана шу сатҳга 500 та сўзни жойлаштириб, ўзига хос рекорд қўйишга интилмоқда.

Малина МУМИНОВА тўплаган.

Дунё хабарлари
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЕЗАДИЛАР

ҲУКМДОР ТОЖ-ТАХТИДАН ВОЗ КЕЧДИ

⊙ ҚУВАЙТ. Бирлашган Араб амирликлари ахборот агентлигининг хабар қилишича, Шаржа амирлигининг ҳукмдори Шайх Султон Муҳаммад ал Қосимий тахтдан воз кечган. Агентлик унинг номидан берган баёнотида уқтирилишича, молия ва нефть сиёсатидаги жиддий хатолар шундай қадам қўйилишига сабаб бўлган. Ана шу хатолар натижасида мамлакат экономикасига анча катта зиён етказилган. Ҳокимият собиқ ҳукмдорнинг укаси, маҳаллий миллий гвардиянинг қўмондони Шайх Абдул азиз бин Муҳамман ал Қосимийга топширилиши ҳам эълон қилинди.

Аммо қўшни дубай амирлигининг радиоси воқеаларнинг ўзгача талқинини, радионинг маълумотларига кўра кеча хусусий визит билан Лондонда бўлган шайх Султон «сарой тўнтариши» натижасида агдариб ташланган. Олинган хабарларга кўра, миллий гвардия соқчилари асосий транспорт йўллари ва чорраҳаларни назорат қилиб турибдилар, Шаржа аэропорти ёпиб қўйилган.

Шаржадаги воқеалар Бирлашган Араб амирликларида сиёсий кризисга сабаб бўлди. Бирлашган Араб амирликларининг федерал миллий кенгаши вужудга келган вазиятни муҳокама қилиш учун кеча кечқурун фавқулодда мажлисга йиғилди. Миллий кенгаш аввалги барча баёнотларни ҳақиқий эмас, деб топди.

Маълумки, Шаржа федераль давлат-Бирлашган Араб амирликлари составига кирувчи етти амирликнинг биридир. Унинг аҳолиси 210 минг кишини ташкил этади. Бу — Бирлашган Араб амирликларининг катталиги жиҳатидан учинчи амирлигидир. Бу ерда ҳар куни салкам 60 минг баррель (бир баррель — 159 литр) нефть қазиб чиқарилмоқда.

ХИТОЙНИНГ ШИМОЛИЙ РАЙОНЛАРИДА ЁНҒИНЛАР

⊙ ПЕКИН. Синьхуа агентлигининг хабар беришича, катта Хинган ва ички Монголия автоном районининг шимолий қисмидаги бир қанча жойларда яна ўрмон ёнғинлари чиққан. Ҳозир 800 гектар ўрмонни ёнғин қамраб олган.

Агентлик ёнғинга қарши кураш воситалари билан қуролланган қарийб 200 нафар ўт ўчирувчи ёнғин манбаларига ташланганлигини қайд этади. Хитой мутахассисларининг дастлабки тахминларига мувофиқ, ўрмонларга яшин тушиши ёнғинларнинг асосий сабаби бўлган.

КАФТДАГИ ПОЕЗД

Магдебургдаги (ГДР) машинасозлик заводи ишчиси Йоахим Крупсе ўн йил давомида митти темир йўл линиясини бунёд этди. Модель Швейцариядаги Сен-Готард тоғ йўлидан ўтувчи тоннеллар, станциялар, темир йўлларнинг айнан нусхасидир. Унда бир йўла 19 та кичкина состав ҳаракатланиши мумкин. Уларнинг ҳажми шунчалик кичкинаки, бир неча вагони билан локомотив кафтингизга бемалол жойлаша олади.

ҒОР — БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАРИ БИЛАН

Уч швецияликлар оиласи узоқ ўтмиш аждодларининг турмуш тарзига қайтишга аҳд қилиб, шаҳар квартираларидан ғорларга кўчиб ўтди. Аммо улар қулайликлардан воз кечишнятида эмас: ғор деворлари ёғоч билан қопланади, хона 150 метр чуқурликдан насослар ёрдамида кўтариладиган иссиқ сув билан иситилади. «Барча қулайликларга эга бўлган» ғорларда яшаш одатдаги квартираларда яшашга нисбатан 20 процент қиммат, аммо энергия ҳаражатларн 60 процент арзонга тушади.

Калейдоскоп

Турфа олам

ЖАРОҲАТ НАРҲИ

Оммон султонлигида агар автомобиль пиёдани босиб кетса, ҳайдовчи жабрланган кишига пул товони тўлашга мажбур. Мабодо жабрланган одам мусулмон бўлса унга тўланадиган товон маълум маблағни ташкил этади. Агарда бошқа миллатга мансуб бўлса, унга мусулмонга тўланадиган товон пулидан олти баравар кам пул тўланади.



ЕРГА ЕТАИ ДЕГАНДА

Парашют спорти бўйича инструктор Грег Робертсоннинг довюраклиги ва юксак маҳоратигина Америкаиинг Феникс шаҳрида (Аризона штати) парашютчи Диана Ульямснинг ҳаётини сақлаб қолди.

Диана самолётдан сакраганидан сўнг ҳавода бошқа спортчи билан тўқнашиб кетиб, ҳушидан кетди ва парашютини очолмай қолди. Унинг ортидан ўзини ташлаган Робертсонга бир ярим километрдан зиёд масофага парашютни очмай шўнғишга тўғри келди. Ерга етай-етай дегандагина у Диана билан тенглашиб, ҳар икки парашют гумбазини очишга муваффақ бўлди. Шунга қарамай улар ерга енгил қўнишолмади. Ульямс жароҳатланди, аммо врачларнинг айтишига кўра, унинг ҳаёти хавф остида эмас.

РАСМ МУАЛЛИФИ АНИҚЛАНДИ

И. Н. Крамской номидаги Воронеж область бадиий музейи фондида сақланаётган «Ўлжа қуён ва ов» натюрморти сўнгги вақтларгача голландиялик рассом Ян Веникс (1640—1719) мўйқаламига мансуб деб ҳисобланар эди.

Ўтган асрлар мобайнида ушбу асар эскириб, ранглари ўчиб кетди. Уни таъмирлашга тўғри келиб қолди. Ана шу ишга киришган мутахассисларда дарҳол расм муаллифи борасида шубҳа пайдо бўлди: у Веникснинг бошқа асарларидан фарқ қиларди.

А. С. Пушкин номидаги Москва давлат тасвирий санъат музейи илмий ходими В. Садковга «Ўлжа қуён ва ов» асарининг асл муаллифи Антверпенда истиқомат қилган фламандиялик рассом Жан Батист Говартс (1713—1746) эканлигини аниқлашга муваффақ бўлди. Бунинг устига мутахассислар Воронеждаги «Ўлжа қуён ва ов» натюрморти Ж. Б. Говартснинг Совет Иттифоқидаги ягона асари, деб тахмин қилмоқдалар.

* * *

Роттердам ҳайвонот боғида яқинда дунёга келган оқ айиқ боласига онаси билан сайр қилиш, томошабинлар ҳузурига чиқиш ва ҳовузда чўмилишга руҳсат берилди.



СУРАТДА: биринчи марта ҳузур қилиб чўмилган айиқ боласи ўз онаси билан.

АПН—ТАСС фотоси.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

телепрограммалар

Душанба

22 ИЮНЬ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 ВРЕМЯ. 9.15 Футбол шарҳи. 10.00 «Валерий Чкалов». Бадиий фильм. («Ленфильм»). 11.25 «Қўшиқ, романс, вальс», 12.05 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.45 «Рус тили». 17.15 «ДЕЛЕГАТЛАР». Ҳужжатли фильм премьераси («ЛСДФ»). 17.35 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Е. Юрист чалади (баян). Красноярскдан кўрсатилади. 18.05 Ҳозирги давр ва ишчилар ҳаракати. 18.35 ПИОНЕРИЯ. Киножурнал. 18.45 КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН, «Янги босқичда». Львов автобус заводида хўжалик ҳисобини жорий этиш муаммолари ҳақида. 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.30 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Э. Москвитина чалади (арфа). 19.40 МТ ЭКРАНИДА БИРИНЧИ МАРТА «МАТОНАТ». Бадиий фильм («Мосфильм»). 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 Футбол шарҳи. 22.50 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 23.05 «Ветеранлар, Сизлар учун». Музикали программа.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 УССР халқ артисти Гизелла Ципола куйлайди. Киевдан кўрсатилади. 9.50 «ҲАММАСИ ЎЗ ВАҚТИДА». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Владивосток). 10.15 «И. Уткин ва Д. Алтаузен поэзияси». 10.55 Итальян тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.25



«Бор-йўғи бир бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 12.40 «Сенини, шошмай тур!». Мультфильм, 1, 2, 3, 4-сонлар. 13.20 «Партизан болалари» Бадиий фильм («Беларусьфильм»). 14.40 Сув чанғи спорти. Ю. А. Гагарин хотираси учун Бутуниттифоқ мусобақалари. Минскдан кўрсатилади. 15.25 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар. 18.45 Футбол шарҳи. 19.30 СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН! 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.40 СССР Ички ишлар министрлиги Ички қўшинларининг намунали-кўргазмали оркестри чалади. 21.20 ФАН ВА ТЕХНИКА. Киножурнал. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «Кечқурунги нақлдан, эрталабки ақл яхшироқ». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 23.10 Футбол. СССР чемпионати. «Жальгирис» — «Спартак». Вильнюсдан кўрсатилади. 00.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.10 Ритмик гимнастика. 7.30 «Салом, кичкинтойлар!» 7.40 «Ватанимни шарафлайман», Ватан ҳақида, партия ҳақида қўшиқлар. 8.00 АХБОРОТ. 8.20 Ота-оналарга болалар ҳақида. «Педагогика ва болалар» (такрорий). 8.30 Болалар учун фильм. «Пионер ёзи».

* * *

17.30 Янгиликлар. 17.40 «Абитуриент-87». Она тили. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Хавфсиз ғилдирак». Бекобод шаҳрида ўтказиладиган ёш автоконструкторларнинг республика слёти ҳақида ҳикоя (рус.). 18.50 «Ғаройиб саргузашт». Мультфильм. 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат». 19.30 АХБОРОТ. (рус.). 19.50 ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ. Телевизион университет. «Пахтачилик тажриба ва муаммолар» (такрорий). 20.30 АХБОРОТ. 20.50 Мусиқа хазинасидан. «Сувора». 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 «Халқларнинг ҳукми». Ҳужжатли фильм. 23.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Адабиёт. Ўзбек совет шоирлари Улуғ Ватан уруши ҳақида (рус.). 20.05 В. Распутин. «Омон бўлсанг, унутма». Телеспектакль. 1-қисм. 21.10 «Оддий иш кунларидан бири». Ҳамза район ички ишлар бўлимининг иши ҳақида кўрсатув (рус.). 21.30 Москва. ВРЕМЯ.

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ: 22.05 «Кино оламида». 23.35 Шу куннинг янгиликлари.

Сешанба

23 ИЮНЬ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 ВРЕМЯ. 9.15 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». Кўп серияли телевизион фильм. «Йигирманчи асрга қадам қўйиб. 1893—1990 йиллар» (Экран»). 1-фильм. 10.20 «Матонат» Бадиий фильм. 12.05 Концерт. 12.35 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.45 СЕН ҚОНУННИ БИЛАСАНМИ? Телевизион журнал. 17.35 «КИЧКИНТОЙ». Давлат Марказий болалар театри фильм-спектаклининг премьераси. 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.30 КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН. ФАН ВА ТУРМУШ. 20.05 Агар соғлом бўлай десанг. «Туризм». 6-кўрсатув. 20.20 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». Кўп серияли телевизион фильм. «Йигирманчи асрга қадам қўйиб. 1893-1990 йиллар». 1-фильм. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ОЛАМ КИНОКАМЕРА КЎЗГУСИДА. 23.05 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 23.20 А. Вивальди. «Глория». Солистлар, хор ва оркестр ижроси учун кантата.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Опа-сингил Книш ва В.Карасенкодан иборат вокал ансамбль куйлайди. 9.30 БУДИЛЬНИК. 10.10 «Альфред Яунушан» Телевизион ҳужжатли фильм (Рига). 10.30



«Киштим болохонаси». Челябинскдан кўрсатилади. 11.05 Шахмат мактаби. «Маҳорат сабоқлари». 11.35 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 12.05 «Кечқурунги нақлдан, эрталабки ақл яхшироқ». Бадиий фильм. 13.10 «Сенини, шошмай тур!» Мультфильм. 5, 6, 7-сонлар. 13.40 «МИХАИЛ ШОЛОХОВ». Ҳужжатли фильм премьераси (Ростов кинохроника студияси). 14.30 «Яшил орол». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 15.35 Янгиликлар 15.45 МУЗИКАЛИ КИОСК.

* * *

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Молдавиянинг фольклор тароналари». Кишинёвдан кўрсатилади. 19.15 Ритмик гимнастика. 19.45 ... 16 ЁШГАЧА ВА УНДАН КАТТАЛАР. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!» 20.45 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 21.15 Пианиночи М. Лафоре чалади (Франция). 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «ЗВЕЗДОЧЁТ». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Одесса киностудияси. 1-серия) 23.10 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 00.10 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.10 Ритмик гимнастика. 7.30 «Салом, кичкинтойлар!». 7.40 «Пионер телетайпи». 7.50 «Қирғиз шойиси». Телефильм. 8.00 АХБОРОТ. 8.20 «Тонгги тароналар». 8.30 «Сўнгги таътиллар». Бадиий фильм. («Мосфильм»).

* * *

17.30 Янгиликлар. 17.40 «Абитуриент-87». Математика. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Нафосат». Хотин-қизлар учун программа (такрорий). 18.30 АХБОРОТ (рус.). 19.50 «Ўзбекистон — Афғонистон: ҳамкорлик йўлидан» (рус.). 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни ЎзССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 «Умид». Ижодкор ёшлар телевизион клуби. Сирдарё областидан кўрсатилади. 23.05 «Брест узра шундай сукунат». Ҳужжатли фильм. 23.25 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 «Ўзингга хиёнат қилма». Телефильм. 20.00 В. Распутин. «Омон бўлсанг унутма». Телеспектакль. 2-қисм. 21.00 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Интенсивлаш — беш йиллик шиори» (рус.). 21.30 Москва ВРЕМЯ.

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ: 22.05 «Василий Буслаев». Бадиий фильм. 23.20 Шу куннинг янгиликлари.

Чоршанба

24 ИЮНЬ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 ВРЕМЯ. 9.15 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». Кўп серияли телевизион фильм. «Йигирманчи асрга қадам қўйиб. 1893-1900 йиллар». 1 ва 2-фильмлар. 11.20 Концерт 11.45. Мультфилм. 11.55 В. Токарева. «Осмон билан ер ўртасида». Телевизион спектакль. 12.55 Янгиликлар. 16.30 Янгиликлар. 16.45 «Дасхат». Юқори синф ўқувчилари учун адабий викторина. 18.10 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 18.50 «Судхарани Раджхупати рақсга тушади». (Ҳиндистон). 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.30 «Ғалаба паради». Ҳужжатли фильм. 20.15 Совет қўшиқларидан концерт. 20.30 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». Кўп серияли телевизион фильм. «Йигирманчи асрга қадам қўйиб. 1893-1900 йиллар». 2-фильм. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «12-қават». 23.35 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 23.50 «Братислава лираси» конкурси қатнашчиларининг концерти.

◆ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика 9.20 Концерт. 9.50 Ҳужжатли фильмлар: «Полесье... Бир районнинг оддий иш кунлари» («ЦСДФ»), «Олтинга тенг тупроқ» (Шимолий Кавказ кинохроника студияси). 10.20 «Рус тили». 10.50 «Онамларнинг мактаби». 11.20 «Звездочёт». Уч серияли теле-



визион бадиий фильм. 1-серия. 12.25 «Сенини, шошмай тур!». Мультфильм. 8. 9, 10-сонлар. 12.55 «РСФСР халқ артисти Э. Пьеха билан учрашувлар». Фильм-концерт («Лентелефильм»). 13.25 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 13.55 «Итоаткор дўстлар». Бадиий фильм («Бухарест» киностудияси, Руминия). 15.15 ТАРИХ САҲИФАЛАРИ. 1812 йилги Ватан уруши. 15.45 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». П. Масканьи, Ж. Верди операларидан парчалар. 19.45 ХАЛҚАРО ПАНОРАМА. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «ЗВЕЗДОЧЁТ». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 23.10 Теннис Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 00.10 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.10. Ритмик гимнастика. 7.30 «Салом кичкинтойлар!». 7.40 «Ҳамиша флот билан бирга». Телефильм. 8.00 АХБОРОТ. 8.20 «Музикали дасхат». 8.30 Болалар учун фильм. «Партизан ертўласининг сири».

17.30 Янгиликлар. 17.40 «Абитуриент-87». Физика. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Бепоён Ватаним менинг» Телевизион фестиваль. Белоруссия телевидениесининг мактаб ўқувчилари учун тайёрлаган программаси. 19.00 «Илғор тажриба — ишлаб чиқаришга». Денов автотранспорт корхоналарининг аҳолига хизмат кўрсатишнинг яхшилаш бўйича иш тажрибасидан. 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.45 «Театр ҳақида суҳбатлар». 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «Деҳқоним менинг». Музикали программа. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 ИНСОН ВА ЗАМИН. Хоразм пахта далаларининг меҳнаткашлари ҳақида. 22.35 А. Қаҳҳор ҳикоялари асосида сатирик новеллалар. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Пионер телетайпи» (такрорий). 19.40 Ритмик гимнастика. 20.05 Хор музикаси анъанавий республика фестивали. М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг хор коллективи XIX —XX аср асарларини ижро этади. 20.45 Реклама. 20.55 «Биз — замин фарзандимиз». Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида. 21.30 Москва. ВРЕМЯ.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 22.05 «Қарсаклар, қарсаклар...». Бадиий фильм (рус).

Пайшанба

25 ИЮНЬ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 ВРЕМЯ. 9.15 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». Кўп серияли телевизион фильм. «Йигирманчи асрга қадам қўйиб. 1893-1900 йилар». 2-фильм. 10.15 Ўсимликлар дунёси. 11.15 «Салом, музика!». 11.45 «Сизни Свердловск опера театри таклиф этади». Свердловскдан кўрсатилади. 17.30 ...16 ЁШГАЧА ВА УНДАН КАТТАЛАР. 18.15 РСФСР халқ артисти Н. Некрасов раҳбарлигидаги МТ ва БР рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти. 18.40 «Канал». Телевизион ҳужжатли фильм (Владивосток). 19.10 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.25 «САШКА». Моссовет номли Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор — В. Кондратьев. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «Янгра, гармонь». 23.25 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 23.35 «Ҳаммасининг хўжайини — шаҳар». Телевизион ҳужжатли фильм. (Тбилиси).

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «ДОН ОРТИДА ЯНГРАГАН ҚЎШИҚЛАР». Фильм-концерт. премьераси (Ростов-Дон). 9.50 «СУВ ҲАМ КЕЛАДИ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Фрунзе шаҳри). 10.20 «Қувноқ қўшиқчалар». Концерт. 10.50 СИЗ ЯРАТГАН БОҒ. 11.20 «Звездочёт». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 12.25 «Сенини, шошмай тур!». Мульт-



фильм. 11, 12, 13-сонлар. 12.55 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 13.25 «Илиқ куз офтоби». Бадиий фильм, субтитр билан («Грузияфильм»). 14.45 «Эртак томон учган камон». Мультфильм. 15.15 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар 18.40 Ритмик гимнастика. 19.10 ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ. 20.10 «Яна Юрмалада». «Юрмала-87» замонавий совет қўшиқлари ёш ижрочиларнинг бўлажак II Бутуниттифоқ телевизион конкурси ҳақида. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «ЗВЕЗДОЧЁТ». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 23.10 Янгиликлар. 23.15 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.

● ЎзТВ

7.10 Ритмик гимнастика. 7.30 «Салом, кичкинтойлар!». 7.40 «Глековлар». Ҳужжатли фильм. 8.00 АХБОРОТ. 8.20 «Тонгги тароналар». 8.30 Болалар учун фильм. «Алдар кўса».

17.30 Янгиликлар. 17.40 «Абитуриент-87». Химия. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Дўстлик поезди». Фильм-концерт. 18.40 «Социалистик қонунчилик ва демократия». Кўрсатувни юридик фанлари доктори А. Аъзамхўжаев олиб боради. 19.10 «ПАРВОЗ ЕРДАН БОШЛАНАДИ». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.45 «Пўлат изларда». Ҳужжатли фильмлар: «Машинист сафарга чиққанда», «Сўнгги қадаҳ». 20.00 Футбол бўйича СССР кубоги. «Пахтакор» — «Химик» (Жамбул). 2-тайм. «Пахтакор» марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 20.50 АХБОРОТ. 21.10 Чолғу куйларидан концерт. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 «Қадрдонлар кўчаси». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 22.30 КИНО ОЛАМИДА. 23.30 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА.

19.35 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». Тошкент шаҳрини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш ва сотиш ҳақида (рус). 20.20 «Дўстлик тароналари». 21.00 «Транспорт ва йўловчи». 21.30 Москва. ВРЕМЯ. ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 22.05 «Антракт». Телекўрсатув. 22.55 «Лейтенант Некрасовнинг айби». Бадиий фильм (рус.).

Жума

26 ИЮНЬ

● МТ I

8.00 Эрталабки гимнастика Мультфильм. Музика. ВРЕМЯ. 9.15. В. Кондратьев. «Сашка». Моссовет номли Давлат академик театрининг фильм-спектакли. 11.20 «Замондошимиз портрети». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 12.05 Арманистоннинг ёш композиторлари. Ереванда кўрсатилади. 12.30 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.45 Ж. Лондон қаҳрамонлари экранда. «Мексикалик». Бадиий фильм («Мосфильм). 18.15 УзССРда хизмат кўрсатган коллектив — Закарпатье халқ хорининг концерти. 18.50 «Яшил орол — Мадагаскар». Киночерк. 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.30 СИЗ ЯРАТГАН БОҒ. 20.00 Социалистик Меҳнат қаҳрамони, «Мособлсельстрой» 18-трестининг бошқарувчиси Н. И. Травкин билан Останкино концерт студиясида учрашув. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 КИНОПАНОРАМА. 23.35 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 23.50 Берлинда сиёсий қўшиқлар фестивали.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Биргаликда шодон қадам ташлаймиз». Фильм-концерт. (Пермь). 9.45 «НИҲОЯТДА ҚУЛАЙ БИР ШАРОИТДА». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Киев). 10.05 КИНОАФИША. 10.50 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.20 «Звездочёт». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 12.25 «Сенини шошмай тур!». Мультфильм. 14, 15, 16-сонлар. 12.55 ФАН ВА ТУРМУШ. 13.40 «Гикор». Бадиий фильм («Арманфильм»). 15.00 МТ ва БР симфоник ҳамда эстрада куйлари оркестрининг концерти. Дирижёр — РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Михайлов. 15.35 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 · «Ёшликдаги солдатлик йилларни эслашди». 151-Жмеринск — Бу-



дапешт ўқчи дивизия ветеранларининг учрашуви ҳақида. 19.15 ҲАММА УЧУН ВА ҲАР БИР КИШИ УЧУН. СССР Олий Совети депутатлар комиссиясининг Харьков областида оммавий физкультура ва спортни ривожлантириш бўйича биргаликдаги рейди. 19.45 СОВЕТСКИЙ ПАТРИОТ. Киножурнал. 20.00 ҲАМДЎСТЛИК. Телевизион журнал. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 Союзлар уйининг Колонна залида санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти. 23.10 Янгиликлар. 23.15 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.

● ЎзТВ

7.10 Ритмик гимнастика. 7.30 «Салом, кичкинтойлар!». 7.40 «Комплекснинг калити». Ҳужжатли фильм. «Ўринбосарлар улғаймоқда» туркумидан. 8.00 АХБОРОТ. 8.20 Болалар учун фильм. «Мовий кўрфаз капитанлари».

17.30 Янгиликлар. 17.40 «Абитуриент-87». Биология. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар». Ўрта мактабларни битирувчилар ҳақида ҳикоя. 19.10 «Биз тарбияси қийинлардан эмасмиз», «Касаллик тарихи». Ичкиликбозликнинг зарари ҳақида ҳужжатли фильмлар. 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.45 Кескин танқид остида. «Озодалик — саломатлик гарови». Ўзбекистон телевидениесининг Тошкент шаҳар санитария — эпидемиология станцияси билан биргаликдаги рейди (рус.). 20.30 АХБОРОТ. 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ. Телевизион университет. Хўжаликлараро бўрдоқичилик базаларини ривожлантириш ҳақида. 22.35 «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари». Сирдарё областидан кўрсатув (такрорий) 00.05 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Салют, пионерлар!» (такрорий). 20.35 Ритмик гимнастика. 21.00 «Беш йиллик» ишлар ва одамлар». 21.30 Москва. ВРЕМЯ. ДУШАНБА КЎРСАТАДИ: 22.05 «Кўз ёши томчиларди». Бадиий фильм. (рус.). 23.30 Шу куннинг янгиликлари.

Шанба

27 ИЮНЬ ИХТИРОЧИЛАР ВА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР КУНИ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 ВРЕМЯ. 9.15 «ҚУВНОҚ ТАРОНАЛАР». Фильм-концерт премьераси (Таллин). 9.45 «Нега ва нима учун?». Болалар учун кўрсатув. 10.15 «Малхасия миллионлари». Телевизион ҳужжатли фильм (Ереван). 10.35 «Чашмалар». 11.05 ҲАММА УЧУН ВА ҲАР БИР КИШИ УЧУН. Кийим-кечаклар улгуржи ярмаркасидан репортаж. 11.35 Мультфильм. 11.55 М. Чайковская чалади (виалончель). 12.15 «Федор Абрамов». 13.25 ҲАМДЎСТЛИК. Телевизион журнал. 13.55 СЕВИМЛИ ВАТАНИМ МЕНИНГ. Фотоконкурс. 14.00 «Шанба — ота-оналар куни». 15.30 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 15.45 Ихтирочилар ва рационализаторлар кунига. «Новаторлар ва консерваторлар». 16.30 УЛУҒ ОКТЯБРЬ ЮБИЛЕЙИГА. Тарихнинг сўнмас сатрлари. «Жабрдийдалар». Бадиий фильм («Мосфильм). 18.15 МЎЪЖИЗАСИЗ-МЎЪЖИЗАЛАР. 19.15 КАМАЛАК. Халқ ижодиёти телепрограммаларининг халқаро фестивали. «Рюкю рақслари». (Япония). 19.35 «Акс садо». 20.25 «Келинг, гаплашиб олайлик...». Аркадий Райкин. 1-қисм. 21.30. ВРЕМЯ. 22.05 «Келинг гаплашиб олайлик..» Аркадий Райкин 2-қисм. 23.10 «Фақат бир кун» Р. Караклаич куйлайди. 24.00 Янгиликлар. 00.05 «АЖОЙИБ КЎЛ». Илмий-оммабоп фильм премьераси («Таллинфильм»).

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Мева қилармикан...». Ҳужжатли фильм (Горький шаҳри), СОВЕТСКИЙ ПАТРИОТ. Киножурнал. 10.00 ТОНГГИ ПОЧТА. Музикали кўрсатув. 10.30 Ритмик гимнастика. 11.00 «Жаҳон бадиий маданияти». С. Т. Аксаков. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 12.10 Ўсмирлар учун музикали кўрсатув. 14.05 Телевизион театр таклиф этади. А. П. Чехов. «Зерикарли воқеа». Телевизион спектакль. 15.30 ҚОЗОҒИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 16.50 «Кемача»



Мультфильм. 17.05 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 18.50 «Хотима». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»). 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 ЗДОРОВЬЕ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «Бизнинг қарзларимиз». Бадиий фильм. («Мосфильм»). 23.30 Янгиликлар. 23.35 Баскетбол шарҳи.

● ЎзТВ

7.10 Ритмик гимнастика. 7.30 «Салом, кичкинтойлар!». 7.40 «ОШПАЗ, тикувчи, пианиночи ва бошқалар». Ҳужжатли фильм. 8.00 АХБОРОТ. 8.20 Ихтирочилар ва рационализаторлар кунига. «Труба, оркестр ва кинокамера учун фантазия». Ҳужжатли фильм. 8.30 Москва. ВРЕМЯ. 9.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Сфетофор». Андижон ва Бухоро областлари йўл ҳаракати ёш автоинспекторларининг мусобақаси. 10.15 Врач маслаҳати. «Юрагингизни авайланг». 10.25 «Гулдастани кимга ҳадя этайлик?» «Юрмала-87» Бутуниттифоқ конкурсига ёш ижрочиларни саралаш тури. 1-кўрсатув (такрорий). 11.35 ДЕМОКРАТИЯ АМАЛДА. «Бригада бригадирни сайлайди». 12.05 «Биз тинчлик расмини чизяпмиз». Американинг янги мультфильмлари ҳақида ҳикоя (рус.). 12.50 «Анъана ва замонавийлик» (такрорий). 13.35 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚҚАССР ва РЕСПУБЛИКА ОБЛАСТЛАРИ ТЕАТРЛАРИНИНГ ТЕЛЕВИЗИОН ФЕСТИВАЛИ. «Суюк момо». Жиззах область драма театрининг спектакли. 14.50 СПОРТИВНИЙ УЗБЕКИСТАН (рус). 15.20 Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 15.50 «Абитуриент-87». А. Беруний · номли Тошкент Политехника институти.

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 ДЎСТЛИК ЭКРАНИ. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси Олмаотадан кўрсатилади. 19.00 Болалар учун «Бойчечак». 19.30 АХБОРОТ. (рус). 19.45 ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ. «Болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш». 20.15 «Ердаги из». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «Ёшлигим менинг». Музикали программа 21.30 Москва ВРЕМЯ. 22.05 БУГУН —ИХТИРОЧИЛАР ВА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР КУНИ. Кўрсатув ва концерт. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ: 18.30 «Мен яшайдиган олам». 19.00 Болалар учун фильм. «Мактаб манзаралари». 19.30 «НОВОСТИ». 19.50 Кинолавҳа. 20.00 «Адабиётлар дўстлиги — халқлар дўстлиги». 20.30 АХБОР. 20.50 Музикали программа. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 «Икки Фёдор». Бадиий фильм (рус.). 23.20 Шу куннинг янгиликлари.

Якшанба

28 ИЮНЬ СОВЕТ ЁШЛАРИ КУНИ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 ВРЕМЯ. 9.15 Ритмик гимнастика. 10.00 «Спортлото» тиражи. 10.15 БУДИЛЬНИК. 10.45 СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН! 11.45 ТОНГГИ ПОЧТА. Музикали кўрсатув. 12.15 САЁҲАТЧИЛАР КЛУБИ 13.15 МУЗИКАЛИ КИОСК. 13.45 ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ. 14.45 ЗДОРОВЬЕ. 15.30 «Мерос». Телевизион альманах. 16.30 Халқ ижодиёти II Бутуниттифоқ фестивали. «Фестиваль позивнойлари». 17.00 «ИШОНЧ», Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. ВЛКСМ XX съездининг иши ҳақида. 18.15 Агар соғлом бўлай десанг. «Туризм». 7-кўрсатув. 18.30 ХАЛҚАРО ПАНОРАМА. 19.15 Мультфильмлар: «Балиқча Гулдор», «Ўғил ҳақида афсона», «Мушук сичқонлар билан қандай жанг қилди». 19.50 Томошабинларнинг талабларига биноан «Душанбагача бир гап бўлар». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «Дўстлик алифбеси». СССР — БХР телекўприги. Славян ёзуви, маданияти ва маорифи байрамига бағишланади. 23.20 СССР халқ артисти О. Ченчикова ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист М. Даукаев рақсга тушадилар Ленинграддан кўрсатилади. 00.10 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Зарядкага сафланинг 9.20 «Бизнинг қарзларимиз». Бадиий фильм. 10.45 «ЗАВОД ПОРТРЕТИ» Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЛНФ») 11.05 Желязово Воледа концерт. «Шопен қўшиқлари». ПХРдан кўрсатилади. 11.35 «Рус тили». 12.05 КАМАЛАК. Халқ ижодиёти телепрограммаларининг халқаро фестивали «Рюкю рақслари» «Япония). 12.30 «КВН-87». Финал. Одесса Давлат университети ҳамда Д. И. Менделеев номли Москва химия-технология институти командаларининг учрашуви. 14.45 Мамлакат миллий театрлари фестивали. В.



Александри. «Деспотводэ». А. С. Пушкин номли Молдавия академик театрининг спектакли. 17.30 «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». С. Прокофьев, Камер асарлар 18.30 «Ўсимликлар дунёси». 19.30 Спорт программаси. Танаффус пайтида (20.45) —«Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 Саргузашт фильмлар экрани. «Дастлабки тергов» («Мосфильм»). 23.35 Янгиликлар. 23.40 Енгил атлетика. Европа кубоги. ЧССРдан кўрсатилади. 00.05 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.

● ЎзТВ

7.10 Ритмик гимнастика. 7.30 «Музикали палитра». 8.00 АХБОРОТ. 8.20 «Оловда тобланган металл». Ҳужжатли фильм. 8.30 Москва. ВРЕМЯ. 9.15 «Биргаликда куйлаймиз». А. Берлин, П. Мўмин. «Бугун роса хурсандман». (такрорий). 9.35 Ижодкор ёшлар учун. «Истеъдод». Шоир Йўлдош Эшбек ижоди ҳақида. 9.55 «Гулдастани кимга ҳадя этайлик?». «Юрмала-87». Бутуниттифоқ конкурсига ёш ижрочиларни саралаш тури. 2-кўрсатув (рус.). 11.05 «Шахмат мактаби». 11.25 Ёш олимлар телеклуби. 11.55 ·Дўстлик — ёшларнинг байроғи (рус.). 12.40 Бахшилар республика конкурси ғолибларининг якунловчи концерти. 14.30 «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар». «Чирчиксельмаш» заводи бошланғич партия ташкилотининг секретари И. Хўжаев ҳақида телеочерк (рус.). 14.55 «Эстрада калейдоскопи» 15.35 «Ўзбек киносининг барҳаёт анъаналари». — Кинокўрсатув (рус) 16.45 Реклама.

* * *

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Томошабинлар фикри кўзгусида». 18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Тубанликка олиб борувчи пиллапоя» (рус.). 18.50 «Хоҳламайман ва бўлмайман». Мультфильм. 19.00 «Санъат оламида». Ўзбекистон ёш рассомларининг ишлари ҳақида (рус.). 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Келинг, очиқчасига гаплашайлик...» 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «Сени кутарман». Лирик композиция. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 «Шийпондаги учрашувлар». Музикали программа. 23.15 «Программа тугашига ярим соат қолганда». Информацион дам олиш программаси. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

ТОШКЕНТ оқшоми
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.
«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.
РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.
Р 10840. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 22.00 да қўл қўйилган. [График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим]. Тиражи — 75.131. Б. 2153 Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.